

1/449

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
**HOKIMI  
QARORI**



**РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургана  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан**

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «9» сентябрь

№ 1687-5

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

**Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги  
бошқарув аппарати, унинг таркибий  
бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни  
ҳамда бошқарув аппарати  
ходимларининг функционал  
вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Махаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорини инобатга олиб ҳамда Самарқан вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги №603-сонли қарорини ижросини таъминлаш, шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

#### **1. Қуйидагилар:**

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги девонхонаси тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимоти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

**2. Шаҳар ҳокимининг ўринbosарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимоти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.**

Белгилаб қўйилсинки, Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслигӣ уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари кўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган норматив-хукукий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсинлар.

3. Шаҳар ҳокимининг 2017 йил 27 апрелдаги 503-Қ-сонли қарори ҳамда 2017 йил 27 апрелдаги 56-Ф-сонли фармойиш ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гурӯҳи (Ф.Камалов), девонхона (С.Алиқулов) шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов